

20-йиллар охирида собик иттифок ва республикада тартиб топиб келаётган талаблар жамиятига хос хусусиятлар тобора ошкора намоён бўла бошлади. Бу жамиятнинг негизи бўлиб колган маъмурий-буйрукбозлик тизими, НЭП иктисодиётининг зиддиятларини ўзига сингдириб, «харбий коммунизм» анъаналарини давом эттириб борди. Асосий кисми паст малакали ва кашшок кишилардан иборат бўлган ишчилар бозор стихиясини якка тартибда зўр бериб килинадиган ижодиётини эмас, балки тайинли маълум ижтимоий кафолатларни афзал кўра бошлади. Айнан мана шу холатлар маъмурий ислохот тизимига мойиллик тугдирар эди. Бу эса оммани гоявий жихатдан бўйсиндириш имкониятини енгиллаштирар эди.
Иктисодиёт, сиёсат, маданият партия ва давлат номенклатураси исканжасига тушиб колди. Хукмрон партиянинг тор доирада кабул килган карорлари мамлакат учун мажбурий эди. Расман эълон килинган демократик жараёнлар ижодий бахс, мунозаралар, келишув йўлларини кидиришлар амалда тўхтатилган эди. Советлар ва жамоат ташкилотлари юкоридан берилган директив кўрсатмаларнинг пассив ижрочиларига айланиб колдилар. Хукмрон партия органларисиз биронта карор хам, кабул килиш мумкин бўлмай колди. Ўша давр конституциясида эълон килинган хак-хукуклар оммавий равишда бузила бошланди.
Марказ ва жойларда партия-бюрократлар аппарати тобора кўчайиб борди. Унинг бутун механизми хукмрон партиянинг «зўраки янги жамият» куришига доир йўл йўрикларини амалга оширишга каратилган эди.
Бутун мамлакат ижтимоий-сиёсий хаёти партия тазйики билан амалга оширила бошлади. Жумладан: 30-йилларда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий хаёти хам совет таргиботининг мустахкамланиши ва шахсга сигинишнинг кўчайиб бориши шароитларида ўтди. Хукмрон партиянинг таркибий кисми бўлган Ўзбекистон компартияси хам республика хаётининг бутун ижтимоий-иктисодий, мафкуравий ва маданий сохаларига рахбарлик килди. Барча жабхалар унинг назорати остига ўтди. 1929 йилда ўтказилган партиядаги тозалаш натижасида хукмрон партия аъзоларининг 15,6 % унинг сафларидан чикарилди. Уларнинг кўпи айбсиз бўлса хам жазоландилар. Оммага партия таъсирини кўчайтириш максадида корхоналарда партия комитетлари ва цех ячейкалари, бригадаларда партия гурухлари, колхозларда бошлангич партия ташкилотлари тузилди. Кишлок советлари колхоз, совхозлар курилишида, Кишлокнинг сиёсий ва хўжалик хаётида партия бўлими амалга ошириб борадиган ижрочи органларга айланиб борди. 30-йилларда жамият ижтимоий сиёсий хаётининг барча сохалари устидан хукмрон партия назорати янада кўчайди. Инсонларнинг бутун хаёти, уларнинг

ўй-фикрлари аста-секин хамма нарсани унутишга мажбур киладиган янги жамият куриш гоясини амалга оширишга каратилди, хаддан ташкари тигиз ва уддалаб бўлмайдиган беш йилликлар топширикларини бажаришга бўйсундирилди.
Янги иктисодий сиёсат (НЭП) ўзил кесил бархам топди. Кишлок хўжалигини зудлик билан коллективлаштириш йўлига катиян киришилди. Шахар билан Кишлок киска муддат ичида каттик марказлаштириш ва маъмуриятлаштириш ихтиёрига тушиб колди. Саноат ва савдода давлат сектори тобора каттик монополист, яъни якка хоким бўлиб борди. Ўзбекистонда хам саноатда умумийлаштириш жараёни бошланди. Майда саноатдаги хусусий секторнинг улуши тўхтовсиз кискараверди ва 20 йилларнинг охирларига келиб деярли бархам топиб кетди. Индустриаллаштириш ва хунармандларни кооперациялаш натижасида республика саноатида хусусий сектор деярли бутунлай тугатилди. Бошкарувнинг маъмурий-буйрукбозлик тизимини таъминлашда иктисодиётни ривожлантиришнинг режалар асосидаги усуллари мухум рол ўйнади. Улар иктисодиётга рахбарлик килишни давлат тамонидан ишлаб чикиладиган халк хўжалиги режалари асосида мумкин кадар кўпрок марказлаштиришни мустахкамлаб берди.
Совет тузимида азалдан мавжуд бўлган зиддиятлар 30-йилларда кўчая бошлади. Хаётнинг барча тамонлари устидан давлат тўла назорат олиб борадиган, партия аппарата хар кандай хукум чикаришга кодир бўлган вазиятда мехнаткашлар хаётининг ижтимоий иктисодий, маиший сохаларни ислох килиш ёки лоакал юмшатиш тўгрисида сўз хам бўлиши мумкин бўлмай колди.
Ўша давр хукмрон мафкураси томонидан социализмнинг капитализмдан афзаллиги тўгрисида, мехнаткашлар фаравонлигини тубдан юксалтиришга, хаётнинг асл мохиятини ўзгартиришга кодир бўлган янги ижтимоий тизим тўгрисида эълон килинган фикрлари марксизм-ленинизм назариясига, шак-шубхасиз, жозибадор тус берар эди. Бирок маъмурий-ислохот, тоталитар таргибот шароитларида бу назариянинг амалиёт билан тўкнашувига бардош бера олмагани 30-йилларнинг ўзидаёк маълум бўлиб колди. Чунки хаёт тажрибаси моддий бойликларни бир текис таксимлаш, ишлаб чикариш воситаларини умумлаштириш, хусусий мулкни тугатиш, бозорга караб хўжалик юритиш механизмларидан воз кечиш сиёсатининг беъманилигини исботлаб берди.
Ижтимоий ишлаб чикариш самарадорлигининг пасайиб бориши мукаррар суръатда мехнатга тўланадиган хак микдорининг камайишига, мехнат ва турмуш шароитларининг ёмонлашиб колишига олиб келди. Мехнат тўгрисидаги конунларнинг каттиклашуви ишчиларнинг ишлаб чикаришга ва Кишлок ахолисини колхозларга зўрлаб бириктириб кўйиш, ишга кечикганлик учун жиноий жазо беришни жорий этиш ва бошка чоралар тотолитар тузимнинг самаралари бўлиб, улар огир окибатларни келтириб чикарди.

Мамлакатда маъмурий ислохот, бюрократик тузимнинг шаклланишида сунъий обрўлар билан, каттик куллик ва жахолат оркали «халклар отаси» номини олган И.В.Жугашвели (Сталин) нинг хизмати каттадир. У 1922 йилда мамлакат хукмрон партияси марказий кўмитаси бош котиби лавозимини эгаллаб, 20- йиллар охирларида «дохий» даражасига эришган эди. У ўта усталик билан ўзидан хар тамонлама кучли бўлганларни йўк кила олди. Ўзи сингари бюрократ, тотолитарларни эса ўз атрофига тўплади. У ўзигача халк ишончини козона олган большевиклар рахбари номини ўзига калкон килиб олди. Сталин оппозициячилар билан курашни «Социализм учун кураш» дек тарзда олиб борди. У Лениннинг давомчиси ролини ўйнади. Ким ўзига карши чикса, уни «Ленинга карши», «социализмга карши», деб эълон килди.

Ўша даврдаги ташки ахволнининг огирлиги, мамлакатнинг холсизлиги хам марказлаштирилган бошкарув учун имконият яратиб берди. Айникса мамлакат ахолисининг катта кисмининнинг саводсизлиги хам бундай бошкарувга имкон яратди. Бу холатлар эса Сталин шахсига сигинишдек узок давом этган касалликни келтириб чикарди.

Мамлакатда бундан кейинги амалга оширилган барча ишлар, муваффакиятлар, ютуклар Сталин номи билан богланди. Унинг номини янада улуглашда «сохта шиорлар», «сохта ташаббусколиклар», «сохта кахрамонликлар» хам мухим рол ўйнади. Айникса фашизмга карши матонат билан курашган халкнинг галабаси хам «Сталин бошчилигидаги галаба»га айланди.

Буюк орзу-ниятлар билан «янги жамият» курмокчи бўлган оддий халк эса мамлакатда бўлаётган сиёсий жараёнлар мохиятини англаб ета олмас эди. Чунки Сталин ясаган сиёсий аппарат, унинг гоявий йўналиши барча килинаётган ишлар оддий халк, мехнаткашлар манфаати учун килинаётгандек тасаввур хосил килар эди. Хатто одамлар Сталинсиз ўз хаётларини тасаввур килолмаслик даражасига хам тушиб колган эдилар. Шу сабабдан хам улар Сталин вафот этганда (1953 йил 5 март) «энди нима киламиз?», «энди кандай яшаймиз?» деб васвасага хам тушган эдилар.

Ана шу тарика бошкаришнинг маъмурий–буйрукбозлик усули, Сталин шахсига сигиниш мамлакатда ўзбошимчалик ва гайри конунийликни бошлашга ва бундай холатларни кенг микёсда ёйилишига шароит яратиб берган эди.

Биз ўрганаётган 20-30 йилларда Республикамиз хаёти Марказнинг каттик назароти остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўрикларидан бир оз бўлса-да четга чикиш сиёсий, аксил инкилобий харакат деб бахоланар эди.

«Социализм мустахкамланиб борган сари синфий душман каршилиги хам шунчалик кўчайиб боради» деган сталинча сохта гоя бутун мамлакатда катагонлик сиёсатини бошланишига сабаб бўлди. ВКП(б) марказий кўмитаси томонидан ўйлаб чикарилган «партиядаги ўнг хатар» нинг эълон килиниши билан мамлакатда «Троицкийчилар» никоби остида, хибсга олинишлар бошланди.

Мамлакатда бошланган катагонлик сиёсатининг бош максади зўраки ўрнатилган тузумга карши бўлганлардан ўч олиш, Сталин сиёсатидан норози бўлганлар ва ундан акл, билим жихатдан устун турганларнинг йўк килиш хамда янгича кўринишда давом этаётган мустамлакачилик сиёсатини мустахкамлашдан иборат эди.

Ўзбекистон компартиясининг IV съезди (1929 й) хам Республикамизда партия ташкилотларидаги гурухбозликка карши кураш никоби остида тазйик механизмини ишга туширди.

Дастлаб жойларда миллий маданиятни кайта тиклаш, халк турмишини яхшилаш муаммоларига диккатни жалб этишга уринган рахбар ходимлар ва ижодий зиёлийлар йўк килинган эди. Айнан шу муносабат билан республикамизнинг Турор Рискулов, Абдулла Рахимбоев, Назир Тўракулов, Иногомжон Хидиралиев, Кайгисиз Атабоев, Султонбек Хўжанов сингари машхур арбоблар миллатчиликда айбландилар.

Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг мукобил йўлларини амалга оширишга уринган кишиларга гурухбозликка карши кураш шиори остида айблар кўйилди. Кейинчалик «иногомовчилик», «18лар гурухи», «косимовчилар» деб ном олган ишлар худди ўша пайтларида тўкилган эди.

1929 йил охирларида атокли маърифатчи Мунаввар Кори Абдурашшидхонов бошчилигидаги «миллий истиклол» ташкилотининг аъзолари камокка олинди. Камалган 85 нафар аъзолардан 15 таси отиб ташланди, колганлари эса тузатиш-мехнат лагерларига жўнатилди. Йирик жамоат арбобларидан Маннон Абдуллаев (Рамз), Носир Саидов, Махмуд Ходиев (Боту), Хосил Василов, Собир Кодировлар ўлим жазосига хукм этилдилар, кейинчалик бу хукум узок муддатли камок жазоси билан алмаштирилди.
1930 йили Давлат банки аппаратида тозалаш ўтказилиб, бир канча  рахбар ходимлар камокка олинди. Республика Олий судининг собик раиси Саъдулла Косимовнинг иши билан боглик «косимовчилик» деган, ишлар тўкиб чикарилди. Суд ишларининг хаммаси асосан илгор сиёсий арбобларни йўк килишга каратилган эди. Буларнинг хаммасида Сталиннинг хўжалик муоммаларини маъмурий чоралар билан ечишга мойиллиги ва чексизхокимлик килишга интилиш мудхиш ролни ўйнади. 20-йиллар охирларида  бошка республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда хам хусусий капитални ва нэпманлар, бойлар хўжаликларининг колдикларини жуда киска муддат ичида тугатиш йўли кўллаб кувватланди. Мана шу нэпманлар, бойларнинг хаммаси социалистик курилишнинг энг ашаддий душманлари деб эълон  килинди.
1930 йил февралидан бошлаб Ўзбекистонда кулок хўжаликларни тугатиш компанияси бошланди. Бу компания, худди бошка республикалардагидек, конунлар ва инсон хукукларини кўпол равишда бузиш холлари билан биргаликда давом этиб борди. Биргина Мирзачултумани (Тошкент округи) да 75 та хўжалик кулок кишлок сифатида тугатилди. Кўпгина районларда кулок хўжаликларигина эмас, балки ўрта хол ва хатто камбагал хўжаликлар хам мусодара  килинди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йили 2648 та кулок ва бойлар хўжаликлари деб аталган хўжаликлар тугатилди. 1930-1933 йиллари тугатилган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди, уларнинг кўпчилиги иттифокнинг бошка районларига, асосан Украина ва Сибирга кўчирилиб юборилди. Кўчирилганларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетди.
Собик иттифокда катагонликнинг кенг микёсида бошланиши ВКП(б) XVII сеъзди (1934 йил) ва унда кўрилган ташкилий масалалар билан богликдир. Съезд якунида партия марказий кўмитасига котиблар сайлови ўтказилди. Номзодлар орасидан С.М.Киров кўп овозни эгаллади. Сталин усталик билан бош котиб (саркотиб) сайловини ўтказдирмади. Чунки С.М.Киров саркотиблик лавозимини эгаллаши мумкин эди. Шу сабабли Сталин то умрининг охиригача хукумат раиси ва партия марказий кўмитаси котиби (саркотиб деб аталмаса хам у партиянинг бош рахбари сифатида фаолиятини давом эттирди) лавозимларида турди.
Партия XVII съездидан кейин кўп ўтмасдан С.М.Киров ўлдирилди. Бу вокеа партия ва мамлакатда кенг камровли катагонликни бошлаб берди. Бу харакатлар номига Киров душманларига  карши кураш никобида бўлсада, аслида съездда Кировга кўп овоз бериб, Сталинга унча ишонмаган коммунистлардан ўч олишдан иборат эди.
Партия XVII съездида катнашган 1956 делегатдан 1108 таси, съезд сайлаган 139 та марказкум аъзолари ва аъзоликга номзодлардан 98 таси, яъни 70 фоизи катагон килинди.
Сталин съезддаги сайловлардан сабок чикариб, ўзидан хар томонлама кучли, онгли фаолларни йўк килишга киришди. Собик иттифокдаги катогонлик 1937-1938-йилларда ўзининг энг юкори чўккисига кўтарилди. Партия  ва давлат рахбарларидан Зиновьев, Каменев, Бухорин, Риков, Пятаков, Томский кабилар устидан сунъий  айблар тўкилди. Мамлакатда «Зиновьевчи», «Каменевчи», «Бухаринчи», «Пятаковчи», «Томскийчи»лар

кидирилди. Бир неча минглаб кишилар ана шу ёрликлар билан катл эттирилди ва лагерларга жўнаттирилди.
Ўзбекистонда янги катагонлик партия ва Давлат олдида катта -катта хизматлар килган атокли арбобларни камокка олишдан бошланди. Сиёсий бошкарма органлари (ОГПУ) Ф.Хўжаев1, А.Икромов, Д.Манжара, С. Сегизбоев, А.Каримова ва бошкалар хусусида советларга карши кўпорувчилик ишларини тўкиб чикардилар. Булар назарий бахс ва мунозараларда ўз позицияларини махкам туриб химоя киладиган хурматли ва эътиборли халк етакчилари эди. Улар шахсга сигинишнинг якка партия зўравонлиги илдиз отиб кетишининг хавфли эканлигини очик равшан тушинар эдилар. Улар жойларда катта хукм ўтказа оладиган бўлишларига карамай катагонларнинг зўрайиб боришини тўхтатиб колмадилар. Ўзбекистонда кенг кўламли агентура кузатувлари ва оммавий равишда камокка олиш ишлари ташкил этилди. 1937 йилнинг август сентябр ойларида бир неча минг кишилар республика ички ишлар  халк комиссарлиги (НКВД)нинг ички камокхоналарига тушиб колди. Уларнинг орасида ЎЗ компартия марказий комитаси котиблари С.Болтаев, И.Худайкулов, А.Цехев, марказкўм бўлим бошликлари М.Шермухаммедов, М.Усманов, К.Берчин, ЎЗЛКСМ марказкуми котиблари И.Ортиков, Т.Рискулов, Ф.Тарасов, Республика халк комиссарлари А.Исламов, М.Турсунхўжаев,  вилоят партия кўмитаси котиблари Д.Ризаев, К.Болтаев, Н.Исроилов, Ю.Ирисметов ва  бошкалар бор эди. 1938 йил  бахорига келиб вилоятлар, шахарлар, партия кўмиталари котибларининг 60% дан кўпроги, шу йилнинг иккинчи ярмида эса вилоятлар, шахарлар, районлар партия кўмиталарининг 114 нафар котиблар катагон килинди.
1934 йилдан 1938 йилгача бошка республикалар каби Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши жазога тортилган эди. Шулардан 730 таси халк душмани деган тухмат билан отиб ташланди.1
Ўзбекистон жамияти хамма  табакаларга кенг ёйилган хибсга олиш тўлкини остида колди.
Ўзбекистон НКВДсининг ички турмаси ва бошка жойлардаги камокхоналарда махбуслар шафкатсиз жисмоний жазоларга махкум этилар эди. Энг кучли ва мардонавор кишилар хам ахволи иложсизлиги кўриб ва  ўз  якинларининг  такдирларидан хавотир олиб килмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эдилар.
Махбусларнинг кўплари ўз-ўзини ўлдиришни бирдан бир чора деб билардилар.
30-йилларнинг охирида Ўзбекистон хамманинг кўнглига тушган дахшат, хоинлик, зўрлик ва бедодлик шароитига тушиб колди.
(Халкимизнинг гули бўлган зиёлиларимизнинг, етакчиларимизнинг катагон  килинишида ўз юртдошларимизнинг айрим вакилларини кўркувдан хоинлик, соткинлик килганликларидан, амал курсиларига ўтириш максадида бир бирларини сотганларидан, ўша давр  катагонлик мафкураси таъсирида кўзлари кўр бўлиб колган айрим миллатдошларимизнинг кабих ишларидан хам кўз юммаслигимиз керак).
Шу тарика инсонийлик ва демократия принципларини топтаб, оёк ости киладиган, хар кандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўгадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик ўтказиб, Ватанга содик неча ўн минглаб кишиларни кириб ташлаган тотолитар таргибот карор топиб борди.
"Социализм курилиши" деб аталган йилларда янги жамият кишисининг тўла конли образини яратиш бобида хормай толмай кураш олиб борган ўзбек зиёлиларининг катта бир гурухи хеч кандай асоссиз сабаблар, уйдирма тухматлар ва бўхтонлар оркасида

шубха остига олиниб, умумий таъкиб ва кувгинга гирифтор бўлдилар. Ажойиб фан захматкашлари, кобилиятли ижод сохиблари, маданият жонкўярлари сталинча катагонликнинг айбсиз айбдорлари, бегунох курбонлари бўлдиларки, буни хеч нарса билан оклаб бўлмайди. Бундай мислсиз аянчли кисматга, жисмоний йўк килинишга махкум этилган сиймолар орасида А. Кодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, К. Алиев, Ш.Сулаймон, У.Носир,2 О.Хошим, М.Суфизода, А.Ёкубов, Миён Бўзрик, Солихов сингари ўзбек  халкининг маънавий мулкига бебахо хисса кўшган ўнлаб унинг ажойиб ўглонлари борлиги бизни  чукур кайгу ва изтиробга солади.
Ўз халкининг куйлагани, унинг даври, ташвиши, хасрати ва муаммоларини ўйлагани учун бу ўта исътедод сохибларининг йўк килинганлиги, уларнинг ёркин ижоди сўндирилгани-тоталитар тузум хунрезлиги ва бебошлигининг конуний натижасидир.




Тоталитар тузум, шахсга сигиниш ва сталинча катагонлик сиёсати  Ўзбекистон халк таълими ривожига хам салбий таъсир этди. Таълим тарбия ўта сиёсатлаштирилди. Миллий маданий меъросни ўрганиш, миллий тарбия усулларидан фойдаланиш такикланди. Мактабда "большевикча тарбияларни" ўрнатиш учун олиб борилган кураш ёш авлод тарбиясига путур етказди, натижада болаларга катталарнинг  хохиш иродасини ва талабларини итоатгўйлик билан бажарувчилар деб караладиган бўлди. Бўлаётган ишлардан халкни чалгитиш, халкда "дохий" га  мухаббатни янада ошириш учун галаба рапортлари,  ўлкан ютукклар, буюк натижалар керак эди. Бу галабалар "дохий" образининг янада  якинрок бўлиши учун нима  килиб бўлса хам кўлга киритилиши лозим эди. Бирон натижага эришилмаса, бунинг учун жавоб бериш керак эди. Шу сабабли Сталин мамлакатнинг исталган жойида  хохлаган кишини катагон  килиш учун назарий асос бўла оладиган фикрларни башорат кила олар эди. "Правда востока" газетасининг 1940 йил 30 июн сонида эълон  килинган "халк маърифининг юксак марралари сари" номли  маколада: "Партия ва шахсан ўрток Сталин кун сайин болаларга, мактабга бўлган  хакикий  мухаббат ва гамхўрлик намуналарини  кўрсатмокдалар. Сталиннинг кўлида пионер кизча билан тушган тасвири бизда партиянинг совет болаларига бўлган мехр    мухаббати тимсоли бўлиб колди"-деб ёзилган эди. Ва холанки 1939-1940 йилларда "дохий севган" болаларнинг 4.7% мактабларга жалб этилмаган, 6.1% мактаблардан кетиб колган, жами 100 мингдан зиёд болалар мактабларга катнамай кўйиган эдилар.1
30-йилларда кўпгина халол ўкитувчилар хам "халк душмани" деб эълон  килинди. Уларнинг фарзандлари эса, бундай "ёрликни" олган  бошка кишилар фарзандлари

сингари комсомол аъзолигидан ўчирилиб, мактаблардан хайдалдилар.
Катагон йилларида фавкулодда конунлар кабул килинди. 12 ёшдан бошлаб ўлим жазосини кўллаш мумкин бўлиб колди. Ўсмирларнинг катталар билан биргаликда катл этилган холлари хам содир бўлди.
Катагонликлар окибатида ўкитувчи кадрлар сони камайиб кетди. Халк таълими тузими рахбарлари, педагог олимлар хибсга олиниб, "халк душмани" сифатида йўк килинди: (халк таълимида катогонликни кенгрок, тушунтиришни истаган ўкитувчилар учун профессор И.Турсуновнинг "Истиклолга интилган калблар нидоси" (Т., 1993 и) китобини тавсия этамиз.)

Мехнаткашларни чалгитиш учун матбуотда "халк душманлари" ни "фош этадиган" маколалар мунтазам эълон килиниб борилди. Шу маколалардан айримларини матнда келтириб ўтишни лозим топдик:
"Душманлар Ўзбекистон Маориф халк комиссарлигини бехудага кўлдан бермай келган эмаслар. Турли даврларда Маориф халк комиссарлигига бошчилик килган Усмонов, Каримов, Ризаев, Рамзий каби собик халк комиссарларининг хаммаси халкнинг ашаддий душмани бўлиб чикдилар. Кўпгина шахар ва район Маориф булимларининг аппаратлари хамда мактаблар мана шундай тўдалар билан ифлосланган экан халк душманлари жуда катта зарар келтирдилар. Уларнинг зарар кўрандачилик хатти харакатлари окибатида мактаб ёшига етган болаларни умумий мажбурий ўкишга жалб этиш иши хануз тўла амалга оширилаяпти. Халк душманлари ўзбек болаларининг тўликсиз Ўрта ва Ўрта мактабларни тугаллашларига тўскинлик килдилар. Мана шунинг учун 8 -10-синфларда ўкиётганларнинг 11% гина махаллий миллат вакилларидир Ўзбекистон мактабларига ўкитувчи кадрлар тайерлаш ишига зарар кўрандаларча муносабат окибатида 2176 ўкитувчи етишмаётир... "Правда востока" газетаси, 1938 и 6 январ )
"Халк комиссари Сорокин каноти остидаги миллатчилар ўзбек ўкувчиларини ўзбек тилини дарсликлардан ўрганиш имкониятидан махрум килдилар. Халк комиссари эса котибалардан ташкил топган ўтиб бўлмас тўсик оркасига, кабинетига ўтириб олиб, ташкарида нима бўлаётганидан бехабар". Бу даврда матбуотда бундай айбларнинг ёзилишининг ўзи инсонни суд ва терговсиз отиб ташлаш учун кифоя эди.
Юкорида номи зикр этилган К.Сорокин 1936 йил июл ойида республика халк маъорифи комиссари килиб тайинланган эди. У 15 ойгина халк комиссари бўлиб ишлади. 1937 йилнинг 29 сентябрида уни хибсга олишди. Сўнгра унинг рафикасига хам хибсга олиш тўгрисидаги ордерни кўрсатишди. Бирок уни (Гулсум Абдурахманова) ўша вактда хомиладор эканлиги куткариб колди. Уни камокдан чикариб, яшаб турган уйини тезда бўшатиб кўйишни талаб килишди. У икки ёш гўдаги билан кайнонасининг кичик бир уйига кўчиб ўтди.
У Сталинга, Ворошиловга, Берияга мактублар ёзди. Лекин "Эрингиз хат ёзишиш хукукларидан махрум этилган холда 10 йилга хукум килинган деган мазмундаги жавоблар Берия имзоси билан келарди. Кейинчалик камок муддати хатлар бўйича икки баравар кўпайтирилди. Эри хибсга олингандан уч ой кейин отиб ташланганлигидан бехабар Гулсим опа хар ойда эрининг турмада кун кечириши учун НКВД кассасига олтмиш сумдан пул тўлаб турди. У бу йиллар хатто, "дохий" тезда адолатни тиклайди, деб кутди. Хатто, ўзининг 1938 йил январда тугилган кизига Сталиннинг кизи шарафига Светлана деб ном хам кўйган эди.
("Правда Востока" газетаси, 1937 йил, 15 сентябрь.)

Сталинча мустабид хокимияти дастидан миллий жумхуриятлар мустакиллиги, суверенлиги барбод этилибгина колмай, шу билан биргаликда уларнинг фукаролари ички эътикоди, асрлар оша давом этиб келган миллий кадриятлари, урф-одатлари , расм-русмлари, диний эътикодлари хам топталди.
Динни, рухонийлар ва диндорларни таъкиб килиш халкнинг маънавий маданиятига нихоят даражада зарар етказди. Маъмурий ислохот тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий, миллий нуктаи назардан ёндошиш инкор этила бошлади. "Социализмда динга ўрин йўк, унга дин бегона" деган коида устун бўлиб колди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу кадар микёсдаги таъкибларни хеч качон бошидан кечирмаган эдилар. Республика рухонийларининг асосий кисми 30-йилларда концентрацион лагерларга жунатилди. Масжидлар бекитиб кўйилди. Уларнинг аксарияти отхоналар, омборхоналарга айлантирилди.
Бу килинган ишлар, шубхасиз, миллионлаб кишиларнинг шахсиятига, миллий гурури, хис-туйгуларига таъсир кўрсатмай колмади. Хатто шундай холатларга хам дуч келиндики, жумхуриятимиздаги кўплаб хонадонларда вакти- вакти билан ўтказиб туриладиган тинтув пайтида араб ёзувида босилган бирор китоб топилгудай бўлса, унинг номи, мазмунини суриштириб хам ўтирмасдан, ўша хонадон сохибига жамиятга ёт унсур шахс деган лаънат тамгаси босилиб, уни камок ёки сургун жазосига махкум этиларди.
Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Бегувул кишлогида илмли, яхши фазилатлари билан элда хурмат козонган, аёлларни ўкитиб, саводли килган муътабар онахон Бибижон Исмоиловани 80 ёшида диний китоб ўкишда айблаб, камокка олишган ва момо камокда огир ахволда вафот этган. Холбуки, уйига ўша кузгунлар бостириб кирган кечада Бибижон момо ўзининг хамиша ўкиб юрадиган севимли "ахлокул-мухсинин" (яхши хулклар) китобини ўкиб ўтирар ва бу асар гўзал инсоний фазилатлар таърифидан хикоя килар экан. У даврларда нохак айбланиб муштипар момо сингари фожеали кисматга дучор бўлганлар кўплаб учрарди. Бундай холлардан саросимага тушган одамлар аввалгидек китобхонлик нари турсин, хатто эски китобларни кўлга олишдан уни уйда асрашдан хам хадиксирайдиган бўлиб колгандилар. (Каралсин: М.Содиков. Эрксевар, хурриятпарвар эл ворисларимиз, т., "Камалак", 1992, 38-бет).

Бу хилдаги бедодликлар, баттолликлар оркасида халкимизнинг Кадим Кадимдан, авлодлар оша авайлаб, сакланиб, асралиб келинган кўплаб нодир маънавий кадриятлари, миллий удумлари, урф одатлари завол топди, емирилди, одамларнинг эса мутелиги, маънавий, рухий мажрухлиги кўчайиб борди.
Бирок шуни алохида таъкидлаш жоизки, Сталинча мудхиш йилларда хам ўз иймон эътикодини сотмаган, ўз фикридан кайтмаган, ўз гоясига содик бўлган юртдошларимиз кўп эди. Уларнинг тирик колганлари мустакиллигимизга эришишимизга ўз хиссаларини кўшдилар ва кўшмокдалар.

Фашизмга карши уруш тамом бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай барча републикалар сингари Ўзбекистон бўйлаб яна бир ялпи террор тўлкини бўлиб ўтди. 30-йиллардаги Катагонлар асосан партия, совет, хўжалик ва харбий кадрларга бўлган бўлсада 40-50-йиллардаги Катагонлар эса асосан маданият ва илм фан арбобларига тааллукли бўлди.
Собик иттифокдаги хукмрон партия марказкуми уруш йилларида фашизм асоратини,

немислар босиб олган ерларда одамлар онгига фашизим мафкурасининг таъсири бўлганлигини ва бунинг окибатида матбуот, санъат ва адабиётда-гоясизлик сиёсатдан йирок туриш, хаётий хакикатни бузиб кўрсатиш, реалистик традициядан четлашиш, умидсизлик, келажакка ишончсизлик пайдо бўлганлигини рўкач килиб, 1946 йилнинг августида "Звезда" ва "Ленинград" журналлари хакидаги, 1948 йилда "улуг дўстлик" операси хакидаги нохак карорлар кабул килди. Уларда совет адабиёти ва санъатининг бир канча талантли ходимларининг ижодига нохак ва асоссиз айблар кўйилди. Партиянинг адабиёт ва санъат масалаларига оид карорларини амалга ошириш вактида матбуотда ва ижодий ташкилотларда баъзан хатоларга ва бузиш холларига йўл кўйилди бадиий проблемаларни ижодий мухокама килиш баъзан маъмуриятчилик билан алмаштирилди, адабиёт, мусика ва кино асарларига бахо беришда айрим холларда баъзи асарлар асоссиз танкид килинса, баъзилари асоссиз макталди.
Бу карорлар (булар ўша даврдаги бош идеолок А.А.Ждановнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан кабул килинган эди)нинг бажарилиши бутун мафкурани, шу жумладан ижодиётни, адабиёт ва санъатдаги демократик тараккиётни кўп йиллар давомида бўгиб кўйди. Карорларнинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ва унинг партия ташкилоти хам четда колмади. 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларидаги ЎзКомпартия Марказкўмининг барча бюро йигилишларида, 1952 йилда бўлиб ўтган Марказкум X Пленумида миллатчиликка карши никоб остида ўзбек халкининг маданий меросига, бадиий ва илмий зиёлийларга карши кураш бошланди. Республиканинг кўпгина ёзувчилари, олимлари, партия ва давлат арбоблари миллатчиликда айбландилар. "Айрим ўзбек ёзувчиларининг ижодида, -деб кўрсатилган эди. ЎЗКП б МКнинг 1949 йил 25 июндаги буйрук каророида-миллатчилик, миллий чегараланиш, феодал ўтмишни кўкларга кўтариш ва эски феодал маданият олдида кулларча таъзим килиш холлари сезилиб туради". Карорларда А.Каххор, Г.Гулом, А.Каюмов, М.Шайхзода, Ойбек, Миртемир, Уйгун, М.Бобоев, У.Рашидов, Шукурулло, С.Ахмадларнинг ижоди каттик танкид остига олинди. Айникса ўз сахифаларида ўкувчиларни тартибсизликка ундовчи макола ва бадий асарлар бериб борганлигида, космополитизмда (сиёсатдан йироклашишда) айбланган Ойбек рахбарлигида чикиб турган "Шарк юлдузи" журнали кескин танкид остига олинган эди.
1951 йилнинг 8 апрелидаги ЎЗКП б МК бюросида "Ўзбекистон ССРда мусика саънатининг ахволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўгрисида" кабул килинган карорда мусика санъати хаётдан йироклашишда, ўзбек халкини янги жамият куриш рухида тарбиялашга хизмат килмаётганликда айбланди. Классик ва миллий мусикалар, макомлар, "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", " Тохир ва Зухра", "Алпомиш" каби асарларни таргибот килиш такикланди. Кўштирнок ичида Миллатчиларга космополитларга, пантуркчиларга карши матбуотда кенг компания бошланди. 1951 йилнинг 10 августида республика матбуотида Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А.Бобожонов, С.Абдуллаев, Хабибийлар ижодини кескин коралаган "Айрим шоирлар ижодида мафкуравий бузилишлар" номли макола босилиб чикди. 1951 йилнинг 24 августида эълон килинган маколада Ойбек, Х.Зарипов, Х.Ёкубов, И.Султон каби илмий ходимлар "мафкўравий хато ва бузилишда" айбландилар.
М.Шайхзода, Шукурулло, Юсупов, Гулом Алимов ва яна бир канча шоир, ёзувчилар 1951 йилда "совет тузимига карши миллатчиликда" айбланиб камокка олиндилар ва 1952 йилда 25 йиллик камок жазосига хукум килиндилар.
Республикада 50-йиллар Катагонлигини бошлаб беришда хукмрон партия марказкуми

карорларини Ўзбекистон хаётида тадбик этишда ЎзКомпартия марказкумининг 1952 йил 21-22 февралида бўлиб ўтган Х пленуми ва унинг кабул килган карорлари катта роль ўйнади. Пленумда тингланган ва мухокама этилган биринчи котиб А.Ниёзовнинг "Республикада идеология ишларининг ахволи ва уни яхшилаш чоралари хакида" ги докладида шундай деб таъкидланган эди: "Кейинги икки йилда республикада адабиёт ходимлари орасидан совет тузимига карши, миллатчилик кайфиятида бўлган гурух очиб ташланди. Бу гурух Совет давлатига карши душманлик ишини олиб борди. Бу гурух аъзолари олдин айбланган миллатчилар билан якин алокада бўлганлар, улар мафкуравий бузук мазмундаги шеърлар ёзиб, миллатчиларнинг Совет тузумига карши асарларини идеаллаштириб, оммага таркатганлар".1
Пленумда жамиятшунос-олимларга хам нохак айблар кўйилди. Жумладан файласуф В.Зохидов "буржуа миллатчиси", тарихчи А.Бобохўжаев "пантуркизмни таргиб этувчи", иктисодиётчи А.Аминов эса "буржуа миллатчилари билан алока килувчи"лар сифатида айибландилар.
50-йилларнинг бошларида яна 60 тача энг кўзга кўринган кобилиятли олимлар ва ёзувчилар, санъат арбобларининг рўйхати тузилиб, уларни хам миллатчи, асл инкилобчи ва хакозо ерликлар остида жиноий жаз ога тортишга уриндилар. Бу офатлардан кутилиш жуда кимматга тушди. Лекин адолат, гарчи тезда бўлмасада, харкалай тикланган эди. Ўзбекистон илм-фани, маданиятининг асосиз Катагон килинган кўпгина арбоблари 1956 йилда батамом окландилар. 1940 йилларнинг охирларида сургунга юборилганларнинг хаммаси озод килинди. Йўкотиш рўйхатига кўшилган, халкимизнинг фахри бўлган 60 та зиёлиларимиз устидан тайёрланган хукм бекор килинди. Зулмларга карши адолат ўрнатилган бўлсада. Сталинизм вужудга келтирган таталитар тузум бедодлиги ва бешафкатлиги халкимизнинг орзу умидларини чил-парчин килди, суверен хукуклари-миллий мустакиллигини завол топтирди. Ўзбекистон оёк кўли кишанланиб, марказ деб аталмиш зўравон хокимият исканжасига тушиб колди. Унинг тил забони кесилди, алифбеси ўзгартирилди, ўтмиши, тарихи кўздан йироклаштирилди.
Сталин шахсига сигиниш туфайли руй берган Катагонлик сиёсати собик мамлакат микёсида 50 миллиондан ортик кишини ўз домига торди.
"Московские новости" газетасининг 1988 йил 27 ноябрь сонидаги Рой Медведевнинг "Сколько жертв в году култа личности Сталина?" номли маколасида Катагон килинганлар сони йилларгача таксимланиб куйидагича берилган:

1927-1928 йил- 10 минглаб "Троцкийчилар"
1930-1933 йил- 10 миллиондан ортик "Кулоклар"
1933 йил 8 ойида бўлиб ўтган очлик натижасида-6 миллион киши
1937 йилгача- 17-18 миллион киши
1937-1938 йил- (Буюк терорлар йиллари)- 7 миллион киши
1938-1940 йил- Поляк оилалари, Болтик бўйи ахолисидан- 2 миллион атрофида
1942-1944 йил 3 миллиондан ортик киши - чечен, крим-татар, грек, турк, курд ва хакозо халклар кўчирилди. Уларнинг 1 миллиондан ортиги кўчиш жараёнида кийинчиликлар натижасида вафот этдилар.
1945-1946 йил- 5 миллион атрофида
1947-1953 йил- "Ленинград иши", "Врачлар иши" ва "Космополитлар иши" бўйича 58 модда бўйича ("Социализмга карши пропаганда" айби билан)- 1 миллиондан ортик киши.

Уруш даврида собик иттифок халкининг 30 миллионга якини кирилиб кетди. Урушсиз, нохак айблар билан 50 миллион кишини асоссиз Катагон килиниши таталитар тузумни, унинг рахбари бўлган Сталинни умуман оклаш мумкин эмаслигини исботлаб турибди. Бунинг устига собик иттифок тарихчи олимлари ўртасида бўлиб ўтган вокеаларга, жараёнларга Сталинни тўлик алокаси йўкдир, кўп катломлар унинг хабарисиз бўлгандир, кўп хукмлар усиз бўлганку" деган фикрлар узок давом этди.
Архив хужжатлари тоталитар тузумни карор топишида, катагонлик сиёсатининг бутун мамлакат бўйлаб ёйилишига унинг  хар бир хукмида шахсан Сталиннинг иштироки ва рахномолиги борлигини тасдиклайди.
1934 йил 1 декабрда Сталиннинг кўрсатмаси билан Марказий Ижроя кўмитаси котиби Енукидзе имзо кўйган, "кўлга олинганларнинг иши тезлатилсин улар кечирилмасин, хукмлар тезда амалга оширилсин" деган мазмунда деректив хужжат эълон  килинган эди.
1937-1938 йилларда минглаб совет, партия, комсомол ва хўжалик ходимлари ва харбийлар исм-шарифлари келтирилган, тайёрланган ва хукм эълон килинган 383 та рўйхат Сталин тасдигига берилди. У хеч иккиланмасдан бу рўйхат ва  хукмларни тасдиклади.
1937 йилда ВКП марказкоми номидан ички ишлар халк комиссарлиги органларига камалганларга нисбатан жисмоний усуллар кўллаш тўгрисида кўрсатма хам берилди. РФ собик фирка хужжат асрови манбаларидан.
1939 йил 20 январида Сталин марказком томонидан Республикалар партия марказкумларига, вилоят, ўлка партия кўмиталарига, ички ишлар халк комиссарлари ва ички ишлар бошкармалари бошликларига телеграмма юбориб, кулаг* олинганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш усулларидан фойдаланиш, бу усулни доимий кўллашни талаб килди. Жумладан унда шундай дейилган эди: "ВКП марказкуми шуни билдирадики жисмоний куч ишлатиш усулини кўллаш 1937 йилдан буён НКВД иш тажрибасида кўлланилмокда ва унга ВКП марказкуми рухсат этган. Нима учун социалистик давлат хавфсизлиги органлари буржуазия кутурган агентларгача ишчилар синфи ва колхозчиларнинг ашаддий душманларига нисбатан инсонпарвар бўлиши керак? ВКП марказкуми бундан буён хам  халк душманларига карши жисмоний куч ишлатиш усулидан фойдаланишни тавсия этади ва уни энг тўгри ва  максадга мувофик усул деб хисоблайди".
Шахсга сигиниш йилларида шахсан Сталиннинг кўрсатмаси асосида жазолар каттиклаштирилди ва жиноий суд ишида шахс хукуки гарантияси  йўк  килинди. Бу ўз навбатида ўзбошимчалик ва конунсизликка йўл очиб берди. 1934 йил 10 июлда собик иттифок партия марказкомининг "Алохида кенгашлар ташкил этиш тўгрисида"ги карори эълон килинди. Бу карор асосида ОГПУ, НКВД ходимларидан иборат "учлик", "иккилик" кенгашлари тузилдики, улар судсиз  хохлаган кишини чикариб,  йўк  килиш имкониятига эга эди.
Кўриниб турибди-ки, юкорида зикр этилган хужжатларнинг хаммаси 20-йиллардан то "дохий" вафотигача бўлиб ўтган барча хунрезликлар шахсан Сталин кўл остида амалга оширилганлигини тасдиклаб турибди. Ўша давр мамлакат бош прокурори Вишинский, НКВД, ОГПУ, ички ишлар комиссарлиги  рахбарлари Ягода, Ежов ва Бериялар эса Сталин яратган катл аппаратини юргизишга бутун кучи билан ёрдам бердилар. Улар "дохий"нинг максадларини амалга оширишда "содик кул" сифатида хизмат килдилар. Собик хукмрон фирка ва шўро хукуматининг катогонлик сиёсати 80-йилларда яна ўз

аппаратини юргиза бошлади. Бирок, энди бу  сиёсат марказ танлаган айрим Республикаларда амалга оширила бошланди.
Шуни такидлаш жоизки, собик иттифок аввал бошданок сохта, кўрама эди. Унга республикалар мажбуран бирлашган эдилар. Шунинг учун хам улар ўз халки, миллий давлатчилиги кадриятлари, хохиш-иродаси инобатга олинмаган бу иттифокдан бутунлай норози эдилар. Аммо ундан чикишнинг иложи йўк эди. Гарчи собик иттифок Конституциясида бундай  коида мавжуд бўлсада, кучли марказ, армия, давлат хавфсизлиги кўмитаси каби асосий кучлар бу  иттифокнинг таянч нукталари эди.
Шўролар тузумининг карийиб 70-йиллик хукмронлик даврида тўпланиб колган муоммалар 80-йиллар ўрталарига келиб юзага чика бошлади. Энди куч билан иттифокни  саклаб колиш мумкин бўлмай колганди. М.С.Горбачев собик иттифок хукмрон партияси рахбари бўлгач янги хокимият шўро жамияти тўкнаш келган кийинчиликлар ва тўпланиб колган муаммоларни хал килмасдан туриб мавжуд давлат ва тизимни саклаб колиш мумкин эмаслигини англаб етди. Натижада жамиятни янгилаш, ижтимоий иктисодий ва сиёсий хаётда жиддий ўзгаришлар килиш йўллари изланa бошлади.
Хукмрон Фирка марказкуминнинг 1985 йил (апрел) пленуми мамлакатда вужудга келган вазиятни тахлил килиб, шўро жамиятини ва янгилаш зарурлиги борасида кўрсатмалар берди. Натижада Ўзбекистонга "кадрлар десанти" юборилди. СССР прокуратураси ходимлари, ашаддий шовинистлар Гдлян ва Ивановлар  рахбарлигидаги терговчилар гурухи  Ўзбекистонга келиб "енг шимариб" ишга киришдилар. Гдлян ва Ивановлар бошчилигида марказдан юборилган терговчилар марказнинг кўллаб кувватлиши билан улар "ўзбеклар иши", "Пахта иши", "ўзбек мафияси" деган сохта уюдирмаларни тўкиб чикардилар. Бундан максад ўзбек халкини, Ўзбекистонни  нафакат иттифокда, колаверса дунёда бадном килиш, жазолаш ва шу йўл билан бошка иттифокчи республикаларни чўчитиб кўйиш эди. Афсуски,  Ўзбекистоннинг ўша вактдаги рахбарлари буни кўра била туриб ломлим демадилар, аксинча десантчиларга кўмаклашдилар. Бунинг  окибати эса уларнинг ўзлари учун хам халокатли бўлди. Десантчилар ўзбек халкини кўз бўямачиликда, порахўрликда, кўшиб ёзишларда, бокимандаликда ва хакозоларда айблаб, фирка ва давлат рахбарларидан тортиб оддий дехконларгача такиб остига олдилар. Биргина сохта, уйлаб чикилган "Пахта иши" натижасида 25 мингга  якин республикамиз фукаролари кийнокларга солинди, судсиз, терговсиз камалди. Буларни орасида кексалар, хомиладор аёллар, ногиронлар хам бор эди.
Айбсиз кишиларга жисмоний куч ишлатиш, кўркитиш йўли билан айблар кўйилди. Оддий мехнаткашлардан катта микдорларда пул, ўз рахбарлари тўгрисида нотўгри кўрсатмалар бериш талаб килинди. Республикада "адолатсизликлар", кўшиб ёзишлар хакида марказий газета-журналларда, радио ва телевиденияда мунтазам хабарлар босилиб, миллатимиз шаъни бадном, шарманда  килинди.
Бундай холат республикада амалга оширилиши лозим бўлган иктисодий-ижтимоий ва сиёсий ислохотларга хам чукур салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги мавжуд маъмурий ислохот тизими, "кадрлар десанти" сиёсати натижасида янада кўчайган "кўркув" иктисодий ва ижтимоий сохада жиддий кайта курилишларга олиб келмади. Хўжалик хисоби ёки бригада пудратига  ўтказилган бир канча саноат сохалари, курилиш ва транспорт корхоналари, пахтачилик бригадалари, совхозлар булимлари деярли ислох килинмаган вазирликлар ва идораларнинг эскича тўраларча иш олиб боришлари натижасида ислохотлар йўлидан бора олмадилар. Бу хол мехнат жамоалари ташаббуси

ва фаоллигини бўгиб кўйди, фан-техника тараккиётига тўганок бўлди. Натижада бутун собик иттифокда бўлганидек, Ўзбекистонда хам ижтимоий-иктисодий ривожланишда туб ўзгаришлар яратишга каратилган кайта куриш муваффакиятсизликка учради.
Кайта куришнинг иттифокчи республикалар макоми ва хукукни кенгайтириш хакидаги режалари хам амалга ошмади. Республиканинг олтин, тог-кон, газ, металлургия, машинасозлик, электротехника, кимё каби мухим саноат тармоклари хам марказ ихтиёрида колаверди. Шуни айтиш керакки, бу даврда иттифок рахбарияти Ўзбекистонда факат пахтани кайта ишлашдан 75 млрд.рубл фойда олишни билгани холда, республикамизни датациялар ва молиявий ёрдамга мухтож, деб уни бокимандаликда айблашда давом этдилар.
Собик иттифокда ва республикада вужудга келган вазият, миллий урф-одатлар, анъаналар, кадриятларнинг топталиши, халкимиз орасида турли кўринишларда марказ сиёсатидан норозиликларнинг кўчайишига олиб келди. Тахкирлаш ва камситишлардан безиб колган халк ўз хак хукукини талаб  килишга киришди. Мачитларнинг ёпилиши, диний эътикоднинг таъкиб  килиниши, хатто энг якин кишиси вафот этганда хам уни охирги манзилга кузатишдан чўчиб туриш, "Наврўз" байрамининг сохталаштирилиб "Навбахор" деб эълон килиниши, ўз гўдагига алла айтиб овитишни хам унитиш, миллатлараро муносабатларнинг атайин кескинлаштирилиши (Фаргона, Уш, Кўкон, Паркент вокеалари) ва бошка холатлар халкимизнинг кўзини оча бошлади.